

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 10

(Таъмирлаш ишларини амалга ошириш хакида)

Тошлок тумани

20 декабрь 2022 й.

Туман Ирригация бўлими номидан А. Утамбаев бундан буён бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади, низом асосида харакат килувчи, иккинчи томондан “Хазрат Умар” МЧЖ номидан раҳбари Н. Халилов низом асосида иш юритувчи бундан буён «Пудратчи» деб юритилади ва куйидагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топширигига асосан “Х-82-а” каналини таъмирлаш ва Заркент каналини механизмлар билан тозалаш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади хамда амалдаги таъмирлаш ва тозалаш ишларини меъёр коидалари бўйича сифатли иш бажаради.

2. Шартнома баҳоси

2.1. Шартнома баҳоси **168 912 281** (бир юз олтмиш саккиз миллион тўққиз юз ўн икки минг иккиси юз саксон бир) сўмни ташкил қиласи.

3. Тўлов шартлари

3.1. Бажариладиган ишлар кийматини 30% микдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи хисоб ракамига хак, ўтказиб берилади.

3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли таъмирлаш меъёрларига риоя килган холда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун хисоб-китоб хар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний хисоб китоб иши тўлик тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни хам қўшиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни маҳсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга хак тўланмайди.

4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.

4.2. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилған ишга белгиланган муддатда хак тулаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблаг ажратиб беришга боғлик эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар хакини тулаб бериш муддати 6 ойгача чўзилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини маҳсус комиссия (давлат комиссияси) томонидан қабул қилиб олинган санадан хисобга олинади.

5. Таравларнинг мажбуриятлари**5.1. Пудратчи:**

5.1.1. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тула хажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха хужжатларидаи холатида ишларни буюртмачига 60 (олтмиш) календарь кунига топширилиши.

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш тахлаш хамда саклашни амалга ошириш.

5.1.3. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тугрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.

5.1.4. Техника хавфсизлиги, енгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.

5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган хажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.

5.2.2. Ушбу шартноманинг биринчи бўлимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган микдорда ва муддатда Пудратчига хак тулаш шарт.

5.2.3. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичидаги объектни қабул қилиши шарт.

5.2.4. Объект бинонинг ичкари кисмидаги жойлашган булса кўриклаш учун буюртмачи томонидан объектни кўриклаш учун масъул ходим биринчирилиши лозим.

6. Таравларнинг жавобгарлиги

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари маҳсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 6 ойгача хакни тулаб бермаса кечиктирилган хар бир кун учун 0,0494 пеня тулайди.

6.2 Шартнома талабларида курсатилган белгиланган суратлардаги хамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбор тараф ушбу маҳсулот кийматининг 20 % микдорида жарима тўлашига сабаб булади.

6.3. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечикирилган хар бир кун учун 0,05 % пеня тулайди.

6.4 Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ортмаслиги лозим.

6.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки маҳсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда ўтладаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

7.Форс-можор холатлари

7.1. Тарафларнинг бирортаси хам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва хатолар унга қўшиб уриш эълон килиниши ёки амалда бошланганлиги фукаролик тартибсизлиги, вабо таркалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёгин ва бошқа табиий оғатлар билан боғлик холда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф килиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги еки амалда давом этаётганлиги Узбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид карорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб хисобланади.

7.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон кадар тезда хабар бериши

7.4. Агар бартараф килиб бўлмайдиган кучлар З ой давомида мунтазам таъсир этаётган булса ва тугаш белгилари аникланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор килиниши мумкин.

8.Низоларни хал килиш тартиби

8.1.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик пайло бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал килинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал килиб бўлмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Маргилон туманлараро Иктисодий судида курилишига тегишли бўлади.

9. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага хар кандай киритилган кушимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб хар иккала тараф имзолаган холларда хакикий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни коплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қўйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 1 ойдан кўпга ошиб кетганда: Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда;

9.4. Пудратчи қўйидаги холларда шартномани бекор килишга хақли:

Буюртмачи томони Пудратчига боғлик бўлмаган сабаблар бўйича таъмирлаш ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тўхтатиб турганда: буюртмачи томонидан кейинчалик таъмирлашни молиялаш имконияти йўколганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргалиқдаги карори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тутатилмаган таъмирлаш обьекти топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг хажми қийматини тўлади.

Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.


10. Бошқа шартлар

10.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари жихозлар материаллар хамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахс тарафидан кўзланган ниятда шикаст етказган холлари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.

10.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 3 йил кафолат муддати белгиланган.

10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномаси акс эттирилади.

10.4. Агар пудратчи аникланган камчиликлар далолатномаси кўрсатилган муддат ичida бажарилган ишларнинг бунга жихозларни хам қўшиб камчиликларни бартараф қилмаса уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг кучи билан харажатларни пудратчи тўлаши орқали бартараф қилишига хақли.

- 10.5. Пудратчи аникланган камчилликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчилликлар ва уларнинг тусларини эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади хамда тарафнинг мазкур масала бўйича иктиносидий суд мурожаат қилиш хукукини истиспо қилмайди.
- 10.6. Пудратчи таъмираш объектини лойиха хужжатларини ёки унинг айрим кисмларини буюртмачин ёзма рухсатисиз бирорта учинчи шахсларга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.
- 10.7. Пудратчининг айби билан объектни таъмираш натижасида учинчи шахсларга етказилган за Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан товон тўланади.
- 10.8. Томонлар коррупцияга карши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келгандар дархол ёзма равища(электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03)орқали бир-бирини хабардор қилиши мажбуриятини олади. Бўнда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадиди ёзма изоҳ талаб қилиш хукукига ега ва мурожатини олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.
- 10.9. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфҳат бартараф етилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бош томон шартномани бекор қилиш хукукига ега ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.
- 10.10. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва хар бир томонда бир нусхада сакланади.
- 10.11. Тарафларнинг хошилари бўйича бошқа шартлар.
- 10.12. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун Газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан сўюридик кучга киради ва "31" декабрь 2022 йилгача амалда бўлади
- 11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:**
- «Пудратчи»**
- "Хазрат Умар" МЧЖ
Фарғона шаҳри, Янги йўл кўчаси 25-а
Тел. +998 93 739 93 33
x/r: 20208000800920923001
Банк номи: Капитал банк
МФО: 01043 ИНН: 305751755
- «Буюртмачи»**
- Тошлок туман ирригация бўлими
Тошлок туман А. Луқмонов кўчаси 1 уй
тел: 73 373-07-84 СТИР: 207263802
шхр: 100022860302277042402170001
Газна Шхр: 23402000300100001010
Тошкент ш. ББ МФО 00014 СТИР 201122919
- 
- 
- | | |
|---|---|
|  | Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun
QR Code ni skanerlang. |
| Imzolovchi
F.I.SH. | ALISHER UTAMBAYEV
SULEYMANOVICH |
| Imzolangan sana | 20.12.2022 15:59 |
| Hujjat kodi | HS7418878727 |
| Hulosa kodi | UQ0858162460 |

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIغا MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY**

XULOSA

UQ0858162460

- 1. Loyihaning turi : Shartnoma**
- 2. Loyihaning nomi: Shartnoma pudrat tuzish (x-82 kanalini ta'mirlash)**
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: TOSHLOQ
TUMAN IRRIGATSIYA BO'LIMI tomonidan 20.12.2022 yilda kiritilgan.**

Shartnomada ko'rsatilgan munosabatlар O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faolyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni xamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solinadi.

Shartnoma shartlari O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faolyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 6,7,15-noddalari hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 353-384,385-moddalari alablariga mos keladi.

Shartnoma bo'yicha taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 24-moddalari, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 324-339-moddalari, 2021-yil 14-sentabr kungi O'zbekiston Respublikasi rezidentining PF-6313 sonli Farmoni 3- bandi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Toshloq tuman yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:



M.M.RAXIMOV

20.12.2022

UQ0858162460	Hujjat xobi	Hujjat xobi
HS2A188A8374	Hujjat xobi	Hujjat xobi
061230351228	Hujjat xobi	Hujjat xobi
SULAYMANOVICH	EJSH	EJSH
ALTSHIR UMATBAEV	Ishxonalari	Ishxonalari